

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ – МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИНДОНЕЗ ТИЛИДА СПОРТ АТАМАЛАРИ

БАЖАРДИ: “ИНДОНЕЗ ФИЛАЛОГИЯСИ” ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ
БИТИРУВЧИСИ 4- КУРС
ТАЛАБАСИ
Турсунбоев Улуғбек Абдуқаххор ўғли

_____ (ИМЗО)

ИЛМИЙ РАҲБАР: Мирзаев Темур _____
(ИМЗО)

Битирув малакавий

иши ҳимояга тавсия этилди:

**Шарқ филологияси ва
фалсафа факультети декани
ф.ф.н., доцент Носирова С.**

**Жанубий Осиё тиллари кафедраси
муdiri ф.ф.н. Нурматов С.С.**

« _____ » _____ 20__ й.

« _____ » _____ 20__ й.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I БОБ. Индонез тилида спорт атамаларининг лексикаси ва унинг ўзига хос маъно хусусиятлари	7
1.1. Атамалар ҳақида умумий маълумот.....	7
1.2. Индонез тилида спорт атама лексикасининг шаклланиши.....	13
1.3. Индонез тилига бошқа тиллардан ўзлашган спорт атамалар.....	20
II БОБ. Индонез тилида спорт атамаларининг шакл хусусиятлари	24
2.1. Содда сўз шаклидаги атамалар.....	24
2.2. Қўшма сўз шаклидаги атамалар.....	26
2.3. Бирикма шаклидаги атамалар.....	27
Хулоса	30
Фойдаланилган адабиётлар	34
Иловалар	36

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. ...Жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”¹

Ҳозирги мукаммал ва ривож топиб бораётган давлатларда тил ўргатиш ва ўрганишга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Шу жумладан Ўзбекистонда ҳам чет тилларини ўрганиш ва шу тил вакилларининг ҳаёти, маданияти ва тарихига бўлган қизиқиш кундан кунга ўсиб бормоқда. Кейинги йилларда Жанубий Шарқий Осиё минтақасининг йирик мамлакатларидан бири Индонезиянинг тилини, уни тарихини, маданиятини, халқ ҳаётини ўрганишда ҳукуратимиз томонидан кўплаб чора тадбирлар кўриб келинмоқда ва бу Ўзбекистонда индонезшуносларни, тил мутахассисларини, ўқитувчи ва таржимонларни етказиб чиқаришга бўлган эътибор кучли эканлигидан далолат беради.

Қадимий тарих ва жозибадор маданиятга эга бўлган индонез халқининг спортга бўлган мухаббати урф-одатга айланган. Индонезияда мингга яқин миллий ва замонавий спорт турлари мавжуд. Турли хил спорт турлари бўлишига қарамай, Индонезияда спортнинг қадимдан ривожланишига катта туртки бўлди.

Битирув малакавий ишимиз индонез тилида спорт атамаларига бағишланади. Зеро, Ўзбекистон спорт ишларига катта аҳамият қаратган, ўзбек спортчилари дунё мамлакатларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Шундай вазиятлар спорт атамалари устида кўпроқ ишлашни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда индонез тили грамматикасига оид кўплаб

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ.1997. – Б.185.

илмий изланишлар олиб борилган ва илмий ишлар қилинган бўлсада, айнан бу мавзу бўйича алоҳида илмий ишлар амалга оширилмаган. Индонез тилини ўрганишга ва ўқитишга бўлган эҳтиёж ушбу мавзунини янада кенгрок ёритилиш кераклигини тақазо этмоқда. Мазкур ишимиз индонезшунос ўқувчи – талабаларга индонез тилидаги атамаларни чуқуррок билишга ёрдам беради деган умиддамиз.

Тадқиқот объекти сифатида. Индонез тилида кичик, лекин муҳим қатламни ташкил этувчи атамалар (спорт атамалари, уларни келиб чиқиши ва ҳозирги кунда қўлланиш даражаси) тадқиқотимизнинг асосий объекти ҳисобланади. Ишда ушбу атамаларнинг лексикаси, унинг ўзига хос маъно ва шакл хусусиятиларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Мавзунинг ўрганиганлик даражаси. Индонез тилида атамалар муҳим ўрин эгалласада мазкур мавзу ҳозирги кунга қадар алоҳида ўрганилмаган. Баъзи индонез тили грамматикасига ва маданиятига оид манбаларда спорт атамалари ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтилган.

Битирув малакавий иш манбалари. Ишимизга манба сифатида қуйидагиларни олдик: Жасур Якубовнинг “Хитой тилида спорт атамаларининг лексик-семантик таҳлили” номли диссертация ишининг назарий томонларини ўрганиб чиқилди, индонез тилида чиқариладиган газета – журналларнинг спорт хабарлари ва саҳифаларига мурожаат этилди, интернет веб-сайтларидан маълумотлар ва Сутанто Атмосумартонинг “A Learner’s comprehensive dictionary of Indonesian” (Лондон, 2004) луғатидан спорт атамаларига оид сўзлар олинган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишимиздан кўзланган мақсад индонез тили спорт атамалари, унинг ясаиш усулларини таҳлил қилиш ва ўрганиш, шунингдек уларнинг лексик-семантик, структур хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- Атамашунослик соҳасини ўрганиш;

- Ҳозирги замон индонез тилида спорт соҳасига оид айрим терминларнинг шаклланишини таҳлил этиш;

- индонез тилида энг кўп қўлланилаётган спорт соҳасига оид сўз ва бирикмаларни тўплаш;

- уларнинг қайси тилдан келиб чиққанлигини аниқлаш;

- индонез тили спорт атамаларининг учраши ва уларнинг ясалиш йўллари кўриб чиқиш;

- спорт соҳасига оид сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиб, уларнинг семантик таснифини амалга ошириш;

- индонез тилидаги спорт атамаларининг сўз бойлигидаги кўламини аниқлаш;

- ҳозирги замон индонез тилида спорт терминларнинг пайдо бўлишида ўзлашмаларнинг ролини аниқлаш;

- спорт атамаларини индонез тилида кенг фойдаланиш доирасига эга эканлиги ёритиш;

- ишнинг бориши жараёнида илмий ва амалий хулосалар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Битирув малакавий ишнинг назарий – методологик асослари.
Битирув малакавий ишимизни ёзишда тилшуносликнинг анъанавий методларидан бири ҳисобланган тавсифий методдан кенг фойдаланилди. Албатта, баъзи спорт соҳасига оид сўз ва бирикмаларни таҳлил қилишда қиёслаш усули ҳам қўлланди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.

- ўзбек индонезшунослигида биринчи мартаба индонез тили спорт атамалари ўрганилди;

- ўзбек ва индонез тилидаги спорт атамаларини ўзаро солиштирилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.
Ишимизда индонезшуносликда спорт атамалари қисман муҳим жиҳатлари ўрганилди. Атамаларнинг баъзи хусусиятлари таҳлил қилинди.

Битирув малакавий иш материалларидан индонез тили грамматикасига оид махсус курсларда, талабаларга индонез тилини ўргатиш жараёнида, индонез тилига оид қўлланма ҳамда дарсликлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши “Кириш”, 2 боб (ҳар боб 3 қисм), “Хулоса”, “Адабиётлар рўйхати” ва “Иловалар”дан иборат.

Киришда малакавий иш мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ишнинг янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқ этиш усуллари, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

Биринчи боб индонез тилида спорт атамаларининг лексикаси ва унинг ўзига хос маъно хусусиятлари деб номланиб, бу боб 3 қисмдан иборат ва улар 1.1. Атамалар ҳақида умумий маълумот. 1.2. Индонез тилида спорт атама лексикасининг шаклланиши. 1.3. Индонез тилига бошқа тиллардан ўзлашган спорт атамалар деб номланади. Бунда атама ва атамашунослик ҳақида умумий маълумот, индонез тилида атамаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради.

Иккинчи боб ҳозирги замон индонез тилида спорт атамаларининг шакл хусусиятларига бағишланган. Ушбу боб ҳам 3 қисмдан иборат бўлиб, 2.1. Содда сўз шаклидаги атамалар. 2.2. Қўшма сўз шаклидаги атамалар. 2.3. Бирикма шаклидаги атамалар деб номланади ва спорт атамаларининг шакл хусусияти ҳақида сўз юритилади.

I БОБ. ИНДОНЕЗ ТИЛИДА СПОРТ АТАМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИКАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС МАЪНО ҲУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Атамалар ҳақида умумий маълумот

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, юртимизда фан, техника, маданиятнинг деярли барча соҳалари вужудга келди ва мислсиз ривожланиб келмоқда. Бу эса ўзбек тилида ушбу соҳаларга оид атамаларни юзага келтирди. Уларнинг асосий кўпчилиги тилда пухта ўзлашган, оммалашган, стабиллашган бўлсада, айрим атамалар хато ва камчиликлардан холи эмас.

Термин² ни таърифлаш учун, одатда, у сўз билан қиёс қилинади. Лингвистик адабиётда, терминологияга бағишланган илмий ишларда ҳар қандай термин сўздир, лекин ҳар қандай сўз термин бўлолмайди, деган фикр этироф қилинади. Демак, аввало термин билан сўзни чегаралаб олиш керак.

Терминнинг маъноси, моҳияти, унинг номидан келиб чиқади. Terminus-чегара, чек демакдир.³ Бинобарин термин чекли, чегараланган, аниқроғи-бир маъноли сўздир. Сўзларнинг кўп маъноли бўлиши табиийдир. Маълумки, ҳар қандай сўз туғилишида бир маъноли бўлади, лекин кишилик жамияти тараққиёти давомида у кўп маъноли сўзга айланиб боради.

Тушунчаларнинг ана шундай ҳаракати, ўзгаришлари янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши тилнинг луғат таркибида бевосита ўз аксини топади. Аммо жамият тараққиёти давомида юзага келаётган барча янги тушунчалар, воқеа, ҳодисаларни ифодалаш учун тилда ҳамма вақт янги сўз яратилавермайди. Бунинг учун кўпинча тилда

² Мазкур ишимизда “атама” сўзи ўрнида “термин” сўзидан ҳам фойдаланганмиз.

³ Энциклопедик луғат. Т. 1990 й-262 бет

мавжуд бўлган сўзлардан фойдаланилади. Масалан, “кўз” сўзи дастлаб сезги органларидан бири маъносида келган бўлса, ўхшатиш орқасида “ойна кўзи”, “ёғочнинг кўзи”, “узукнинг кўзи” каби иборалардаги маъноларни олиб, кўп маъноли сўзга айланиб борган. Шундай қилиб, кўп маъноли сўзлар кишилик жамияти тараққиётининг, тил тараққиётининг табиий маҳсулидир.⁴

Кўчма маъноли сўз нутқда, ҳар бир конкрет ҳолда ўзининг маълум бир маъносида ишлатилади, яъни бир маъноли сўз сифатида реаллашади. Ҳар бир айрим ҳолда сўзнинг қандай маънода ишлатилганлиги контекстан, бирикмадан англашилиб туради. Масалан “кўкдаги юлдузлар” деганда “кўк” сўзи осмонни билдиради.

Термин эса чекланганлиги, яъни бир маънолилиги туфайли махсус контекстда ҳамма вақт ўз маъносини сақлайди. У эмоционаллик ва экспрессивлик хусусиятларига эга эмас. Ҳея қандай интонация термин маъносида ўзгартира олмайди.

Терминнинг бир маънолилиги ҳақида талаб баъзан англашилмовчилиликларга сабаб бўлади, чунки термин сўз сифатида умумий адабий тилда кўп маънода ишлатилиши ҳам мумкин. Айрим терминлар ҳатто, умумий адабий тилдаги кўп маъноли сўз негизида вужудга келади. Масала шундаки, терминнинг бир маънолилиги тўғрисида сўз борар экан, ҳамма вақт унинг маълум терминологик системага мансублиги кўзда тутилади. Маълумки, ҳар бир соҳанинг ўзига хос тушунчалари бўлади. Шу тушунчалар мажмуи шу соҳанинг тушунчалари системасини ташкил қилади. Унга мос терминлар мажмуи эса шу соҳанинг терминологик системасини, бошқача қилиб айтганда терминологиясини ташкил қилади.⁵

⁴ Суперанская А.В. Общая терминология.-М. Наука 1989.

⁵ Даниелко В.П. О терминологическом словообразовании.-ВЯ, 1973 №4.

Демак, терминология тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексикадир. Кенг маънода эса, терминология умумий луғат таркибининг айрим соҳаларда ишлатиладиган қисмидир. Термин маълум бир терминологик системанинг аъзосидир. Шу терминологик системада биргина маънога эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, терминни қуйидагича таърифлай оламиз: термин маълум бир соҳада аниқ бир маънога эга бўлган сўздир. Баъзилар маълум бир сўзнинг термин бўлиши учун унинг қўлланиш доираси бирор соҳа билан чекланиши шарт, яъни маълум бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ва сўз бирикмалари термин бўлаверади.⁶ Бу тўғри эмас, чунки тилда маълум тушунчанининг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўзлар кўп. Улар фақат бирор терминологик система аъзоси сифатида қаралгандагина термин бўла олади.

О.П. Фролова эса “терминология” га шундай таъриф беради: “Маълумки фаннинг атамалар тизими сифатида тушунчалар тизимига мувофиқ бўлади, ҳар қандай тушунчалар тизимига аниқ бир атамалар тизими боғлиқ бўлади. Фан ривожланиши билан атамалар тизими ҳам ривожланиб боради.”⁷

Ҳар қандай термин терминологик системага мансуб бўлиши билан бирга сўз сифатида тилнинг бойлиги ҳамдир. Терминология умумхалқ тилнинг лексикаси негизида вужудга келади ва бойиди. Ўз навбатида у умумхалқ тилининг бойиши учун хизмат қилади. Терминологик лексика умумхалқ тили лексиканинг ажралмас қисми сифатида у билан бирга ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча процессларни бошдан кечиради.

Термин, умумий адабий тилда маъно доирасини кенгайтиргани билан, терминологик системада ўзининг моносемантиклик хусусиятини

⁶ Қ.Н. Маматов, Термин ва унинг таърифи ҳақида “Ўзбек тили ва адабиёти”, № 1. 1966, 68-бет.

⁷ О.П. Фролова “Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка” Новосибирск. Наука 1981.

йўқотмайди. Бошқача қилиб айтганда, термин маълум бир терминологик системанинг аъзоси сифатдагина бир маъноли сўздир, умумий адабий тилда эса, у ҳар қандай сўз сингари, турли маъноларда ишлатила олади.

Умумий адабий тилда, кундалик нутқда сўзнинг кўп маънолиги (полисемантлиги) кишиларнинг бир-бирларини тушунишларига сира ҳам асарларни ўқиш ва тушунишни қийинлаштирмайди. Аксинча сўзнинг кўп маънолилиги тилнинг бойлигидир. Кўп маъноли сўзлар тилнинг ифода қувватини оширади, ҳар қандай нозик фикрларни ҳам ифодалаш имкониятини беради. Терминологияда эса терминнинг кўп маънолилиги кишиларнинг бир-бирларини тушунишларини қийинлаштиради, ўқиш ўқитиш процессларини мураккаблаштиради, фан ва техника ютуқларини оммага етказишда маълум даражада халал беради.

Терминларнинг кўп маънолилиги (полисемия) каби синонимия (бир терминологик маънода бир неча параллель терминларнинг ишлатилиши) ҳам терминологиянинг катта нуқсонларидан биридир. (Ўзбек тили терминологиясида синонимик, параллель, дублет терминларнинг қандай йўллар билан юзага келиши тўғрисида қуйида алоҳида тўхтаб ўтамиз).

Терминологияда полисемия ва синонимия сингари омонимия (яъни бошқа бошқа терминологик маънодаги шаклдош сўзлар) ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Агар умумий адабий тилда синонимия, омонимия ва полисемия тилнинг бойлиги бўлса, терминологияда бу ҳодисалар турлича чалкашлик ва англашилмовчиликларга сабаб бўладиган нуқсонлардир.⁸

Термин тузилиши жиҳатидан аниқ бўлиши, яъни тушунчанинг моҳиятини ёки энг асосий белгиларини аниқ ифодалаш керак. Тузилиш жиҳатидан ихчам, қисқа ва қулай бўлиши керак. У системали бўлмоғи керак. Шунини ҳам айтиш керакки, тилда терминларни қўллашдан асосий мақсад ҳар қандай мураккаб фикрни ихчам, осон ва тушунарли ифодалаш, шу йўл билан фикр алмашинуви процессини осонлаштиришдир.

⁸ Ақобиров С.Ф., Тил ва терминология, Т., Ўзбекистон. 1968й. 10-11 бетлар

Дарҳақиқат, “сермеҳнат” мисолидаги каби термин ўрнига шу термин ифодаланган тушунчанинг узундан-узоқ таърифи ишлатилса, фикр ва тушунчаларнинг ифодаси узайиб, мураккаблашиб, фикр алмашинуви жуда ҳам қийинлашади. Термин номинатив (яъни аташ) функциясидан ташқари, коммуникатив (яъни алоқа) функциясига ҳам эга. Терминнинг коммуникатив функцияси тилнинг функциясидан келиб чиқади, чунки, “Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир” терминология эса, тил лексикасининг таркибий қисмидир.

Айни замонда ҳаёт талаби, Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника, маданият ва спортнинг равнақи ўзбек тилида терминологик лексика салмоғини кундан кунга оширмоқда. Ҳозир ўзбек тилида фан ва техниканинг деярли барча соҳаларига оид термин ва терминологик системалар вужудга келди. Улар, асосан, таржима ва оригинал асарлар яратиш процессида юзага келмоқда.

Бироқ ўзбек тилида шу кунгача тўпланиб қолган бой терминология ва терминологик тажриба ўрганилмай ва умумлаштирилмай келаётир. Натижада умумхалқ адабий тилда мустаҳкам ўзлашган, оммалашган терминлар қаторида, терминология иши ва назариясининг терминология практикасидан, ҳаёт талабларидан орқада қолиб бораётганлиги туфайли, озми-кўпми номувофиқ (дублет, полисемантик, ноқулай, ноаниқ ва бошқа) терминлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Кўрамизки, ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз ёки терминнинг бирор терминологик системада термин сифатида қабул қилиниши учун у, бир маъноли бўлишидан ташқари, алмаштирилаётган терминга адекват, яъни ҳар жиҳатдан тенг бўлиши ҳам керак. Бу ерда терминларнинг яна бир муҳим хусусияти устида тўхтаб ўтиш ўринлидир.

Модомики, ҳар қандай термин сўз экан, унинг терминологик маъносидан ташқари, луғавий маъноси ҳам бўлади. Шу жиҳатдан терминларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) луғавий маъноси билан

терминологик маъноси мос терминлар; 2) луғавий маъноси билан терминологик маъноси мос бўлмаган ёки зид терминлар; 3) нейтрал терминлар.⁹

Биринчи гуруҳдаги терминлар ўзи ифодалаган тушунча ҳақида энг яққол тасаввур беради (*гилдирак, ясси эгов, ҳалқа* ва ҳ.к)

Иккинчи гуруҳдаги терминлар маълум даражада шартлидир. Масалан, жонли куч термини ҳаракатдаги жисм энергиясини (кинетик энергияни), от кучи эса 75 кгм/сек га тенг қувватни билдиради. Бу терминларда тушунчаларнинг ҳеч қандай белгиси йўқ, чунки кинетик энергия жонли ҳам эмас, “от кучи” эса куч эмас, қувватдир. Бу терминлар фақат ўзлашиб кетганлиги сабабли ўзлари ифодалаган тушунча ҳақида сўз бораётганлигини билдиради.

Учинчи гуруҳдаги терминлар, асосан бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлардир. Улар ўзлари ифодалаган тушунча билан бирга қабул қилинади, лекин ўзлаштирган тилда луғавий маънога эга бўлмайди. Масалан, электр, радио, телевизор, трактор, интернет, компьютер деганда ҳамма вақт шу терминлар ифодаланган тушунчалар тасаввур қилинади, чунки зотан бу терминлар ўзбек тилида ҳеч қандай луғавий маънога эга бўлмаса ҳам, улар ифодалаган тушунча ҳаммага маълумдир.

Индонез тили бошқа тилларга ўхшаб ўз лексик бойлигига эга. Сўз бойлигининг маълум бир қисмини атамалар ташкил қилади.

Илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид тушунчаларнинг очиқ атамаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси термин дейилади. Хар бир фан, касб-ҳунар ўз терминларига, шу терминлар жамидан иборат лексикага эга. Бундай махсус лексика терминология деб ҳам юритилади: физика терминологияси, лингвистик терминологияси ва бошқалар.

⁹ Ақобиров С.Ф, Тил ва терминология, Т., Ўзбекистон. 1968й. 22-23 бетлар

Терминлар муайян бир соҳага оид тушунчаларни очик ифода этувчи сўзлар бўлсада, лекин у сўзларнинг қўлланиши шу соҳа кишилари кўриш мумкин:

1. Терминларнинг маъноси, соҳага алоқаси бўлмаган кишилар учун ҳам тушунарли бўлади ва улар томонидан ҳам қўлланаверади. Масалан, ботаникага оид буғдой, пахта, ўрик, ғўза, узум, нок; саънатшуносликка оид: сахна, афиша, актёр; тиббиётга оид: укол, норкоз, грипп каби терминлар.

2. Терминларнинг маълум қисми шу терминга оид бўлган соҳа кишилари учун тушунарли бўлади ва шулар нутқида қўлланади. Тилшуносликка оид: морфема, фонема, урғу, ўзак; химияга оид: оксидлар, индикатор каби.

Шуни айтиш керакки, умумистеъмолдаги сўзлар маълум бир соҳага оид тушунчани ифодаловчи сўз сифатида терминга айланиши мумкин. Бундай йўлларда у сўз дастлабки маъноси (ёки маънолари) билан умумистеъмолдаги лексикага махсус (терминологик) маъноси билан эса терминологик (чегараланган) лексикага оид бўлади:

“Ғўза парваригшини сугориш билан жуда муҳим аҳамиятга эга”

“Бош келишигидаги асосий синтактик функциясига эга бўлиб келишидир”.

Биринчи гапдаги эга сўзи ўзининг дастлаб маъносида қўлланган. Бу маъноси билан кенг истеъмолдаги сўзлар жумласига киради. Иккинчи гапдаги эга сўзи эса тилшуносликка оид термин ҳисобланади.¹⁰

Ҳозирги замон индонез тилида жуда кўп янги соҳаларга оид атамалар пайдо бўляпти, шу жумладан савдо-сотик соҳасида ташқи савдо йўналиши ўз ривожини топмоқда. Индонезия ва Ўзбекистон ўртасидаги ташқи савдо алоқалари ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Шу жараёнда савдо-сотик

¹⁰ Ш. Шоабдурахмонв, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, Т.1980. 129бет

атамаларини ўзбек тилига ўгиришда ҳамда уларни тафтиш этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Атама ва оддий сўзлар орасида маълум даражада фарқ бўлсада, бироқ бу бир тил лексик бойлигига кирадиган birlikлардир, шу сабабдан улар ўзаро муносабатларга ҳам эга. Масалан, айрим сўзлар маълум шароитларда атама сифатида ишлатилса, бошқа ҳолатда оддий сўз сифатида қўлланилади. Тадқиқотимизда бунга мисоллар учрайди, кези келганда улар ҳақида маълумот берамиз.

1.2. Индонез тилида спорт атама лексикасининг шаклланиши

Индонезча спорт атамалар тўпланиб тадқиқ этилганда, спорт атамалар билан уларнинг нутқдаги шаклларининг даставвал спортга оид соҳаларда юзага келганлиги, кейинчалик эса бошқа соҳаларга (телевидиния, радио, газета ва журналлар) ўтиб кенгайганлиги, баъзи лексик birlik шаклидаги спорт атамаларнинг умумий захирадан адабий тилга сизиб ўтганлиги ҳам кузатилади. Кўпчилик тилларнинг атамашунослик лексикасида айтилиши рўй бериб туради.

Индонез тили Ўзбекистон шароитида энди ривожланаётган тил бўлганлиги сабабли, нафақат спорт атамаларига оид маълумотлар балки бошқа соҳаларга оид атамалар ҳақида маълумотлар жуда кам. Шу сабабли имкониятдан келиб чиққан ҳолда ва бор маълумотларга суянган ҳолда индонез тилида спорт атама лексикасининг шаклланишини гуруҳларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилинди.

Қуйидаги рўйхатда спорт атамаларнинг юзага келиш тармоқлари сираланган. Булар бир неча тармоқдан иборат бўлиб, уларнинг маъно жиҳатлари ва қўлланиш майдонларига кўра олти гуруҳга бирлаштириш мумкин. Таъкидланган олти гуруҳ қуйидагилар:

1. Ёзги спорт турлари.

2. Қишги спорт турлари.

3. Енгил атлетика.

4. Оғир атлетика.

5. Копток иштирокидаги спорт турлари.

6. Миллий спорт турлари.

Энди ана шу гуруҳларни кичик гуруҳларга ажратиб, спорт атамаларини таҳлил қилиб ўтамыз:

1. Ёзги спорт турлари (*olahraga musim panas*).

Қуйидаги гуруҳга ёз мавсумида ташкил қилинадиган бир неча спорт турлари киради ва шу спорт турларига оид атамаларнинг рўйхати берилди:

а) гимнастик ускуналарда машқлар (гимнастик зал; гимнастик ускуналар; хват турлари; гимнастик либослар; ва қўл ускуналари). Уларга мисол тариқасида индонез тилида учрайдиган ва айнан шу турга кирувчи терминлардан бериб ўтамыз.

Масалан,

Olahraga Senam – гимнастика;

Senam irama – бадиий гимнастика;

Pakaian untuk senam – гимнастика кийими;

Simpai – халқа (обруч).

2. Қишги спорт турлари (*olahraga musim dingin*).

Қишги спорт турлари ва ўйинларига оид атамалар қуйидаги гуруҳга киритилди ва уларга оид мисолларни индонез – ўзбек тилларида кўриб чиқамиз:

а) чанғи спорти ва чанғи пойгалари;

Масалан,

Sepatu skating indah – коньки;

б) трамплиндан сакраш;

Масалан,

Melompat trampolin – *трамплингдан чангида сакраш;*

в) хоккей;

Масалан,

Hoki – *хоккей;*

Klub – *шайба;*

Gerbang – *хоккей клюшкиси.*

3. Енгил атлетика (*terak dan lapangan*).

Қуйидаги гуруҳга енгил атлетикага оид спорт турлари ва шу турларга оид атамалари киритилди:

а) югуриш;

масалан,

Menjalankan – *югуриш;*

Melacak – *югуриш йўлаги;*

Pesaing – *мусобақа иштирокчиси;*

б) сакраш;

масалан,

Jumping – *сакраш;*

в) диск отиш ва ирғитиш;

масалан,

Disk – *диск;*

Lemping lempar – *найза улоқтириш;*

Tombak – *найза;*

4. Оғир атлетика (*angkat besi*).

Ушбу гуруҳга оғир атлетикага оид спорт атамаларининг бўлиниши ва шу гуруҳга кирувчи атамалар берилган:

а) бокс;

масалан,

Tinju – *бокс;*

Pertandingan tinju – *бокс мусобақаси;*

Sarung tangan – бокс қўлқоплари;

Ring – ринг;

б) кураш;

масалан,

Berjuang – кураш;

в) тош кўтариш;

масалан,

Mendorong – даст кўтариш;

Bar – штанга;

5. Копток иштирокидаги спорт турлари

(olahraga dengan bola).

Бешинчи гуруҳга копток билан ўйналадиган спорт турлари киритилган ва ўз навбатида унга оид спорт атамалари ҳам бериб ўтилган:

а) футбол;

масалан,

Sepak bola – футбол;

б) баскетбол;

масалан,

Bola basket – баскетбол;

в) волейбол;

Bola voli – волейбол;

Jaringan voli – волейбол тўри;

Lutat – оёқ богичлари;

Bersuul – ҳуштак;

Bola voli – волейбол тўпи;

г) теннис;

Tenis – теннис;

Raket – ракетка;

Bola – копток;

Hakim – хакам;

Jaringan – теннис тўри;

Pengadilan – теннис корти;

д) голф;

Golf – голф;

Tas untuk tongkat – клюшклар сумкаси;

Bola golf – голф коптоги;

Lapangan golf – голф майдони;

Tongkat – клюшка;

6. Миллий спорт турлари (olahraga khas Indonesia)

Миллий спорт турлари гуруҳига Индонезияга хос бўлган ва фақат Индонезия ҳудудида ўтказиладиган спорт турлари ва ўйинлари берилди. Бу спорт турлари жаҳон спорт турлари қаторига қўшилмаган бўлсада Индонезия ҳудудида катта қизиқиш билан қарши олишади. Бу спорт турлари ва ўйинлари Индонезиянинг шароитидан келиб чиққан ҳолда вужудга келган. Бу спорт турлари Индонезиянинг миллий байрамларида ташкиллаштирилади ва мусобақалар уюштирилади.

Мисол тариқасида *Karapan Sapi*, *Pencak (Pencak) Silat* ва *Betengan* спорт турларини олишимиз мумкин.

Karapan Sapi спорти Индонезиянинг Шимолий Ява ороли Мадуро шаҳрида вужудга келган ва кенг тарқалган бўлиб, “*сигирлар пойгаси*” ёки “*сигирлар мусобақаси*” деб таржима қилинади. Бу спорт тури қадим тарихга бориб тақалади. Карапан Сапи спорти худди от пойгаси спортига ўхшаб кетади. Пойгада икки ёки тўрт сигирдан ташкил топган пойга араваси бўлади. Араванинг ғилдираклари бўлмайди, у нарвон шаклида қилиниб тепа қисми сигирларнинг елкаларига маҳкамланади. Нарвон-

аравада сигирларни бошқариб борувчи пойгачи турган ҳолда иштирок этади. Пойга 10-15 дақиқа давом этади. Пойга бошланишидан олдин пойгачи сигирларни томошабинларга кўрсатилади, сигирлар пойга майдони бўйлаб навбат билан намойиш этилади. Бу эса томошабинларга уларга баҳо беришларига ёрдам беради. Карапан Сапи нафақат йилда бир маротаба ўтказиладиган пойга, баълки бу Мадуро халқининг ўз миллийлигини кўрсатиш вақти ҳамдир. Шу сабабдан, пойга сигирлари ва арава миллий ва рангбаранг матолар билан безатилади, сигирлар бўйнига кўнғироқчалар ҳам илинади. Пойгада ғолиб чиққан пойгачи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади ва ғолиб сигир гўшти шу ҳудудда энг қиммат гўшт ҳисобланади.

Pencak (Pencak) Silat спорти ҳам Индонезиягагина хос бўлган миллий спорт туридир. Пенчак Силат спорти 1948 йилдан бошлаб Индонезиянинг барча кураш санъатига нисбатан қўлланилиб келинади. Пенчак Силат халқаро спорт турлари қаторига киритилган. Лекин Индонезияда бу спорт тури карктэ ва тэквондо спорт турлари билан бир қаторда туриши бироз ачинарли ҳолатдир. Шунга қарамай индонез эркаклари ушбу спорт турининг ҳеч бўлмаганда бир неча белгиларини билишади ва уни қўллай олишади. Бу икки сўз алоҳида ҳам “***Pencak***” ва “***Silat***” – кураш, кураш санъати маъноларида келади. “***Pencak***” сўзи асосан Ява оролида ишлатилса, “***Silat***” сўзи Суматра оролида кенг қўлланилади. Пенчак Силат ўз ичига кўпгина спорт аспектларини қамраб олади. Масалан, жисмоний аспект, кураш орқали руҳий ва жисмоний озуқа олиш аспекти, руҳиятда кечаётган ҳаёлларни жанговар ҳаракатлар орқали кўрсата бериш аспекти. Пенчак Силат спорт турида бир неча шу спорт турига оид жиҳозлар ҳам мавжуд ва улар қуйидагилар:

Tongkat/toya – ушлаб туриши;

Galah – узун таёқ;

Sabit – ўроқ;

Kris – *пичоқ*;

Samping – *лента*;

Kujang – *лезвие*;

Betengan бу миллий ўйин тури ҳам Индонезиянинг миллий спорт-ўйин турларига киради. Бетенган спорт ўйини **Betengan** яван тилидаги сўздан келиб чиққан бўлиб, “*beteng*”, яъни *форт* маъносини англатади. Бу ўйин бошланғич мактаб ўқувчиларининг севимли спорт-ўйини ҳисобланади. Юқори синфга ўтган ўқувчилар камдан-кам бу ўйинни ўйнашадилар. Бу ўйин тезлик, аниқликни талаб қилибгина қолмай, стратегия элементларини ҳам ўз ичига олади. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар ва ҳар бир гуруҳ ўзлари учун биттадан форт яъни кўнилғи жойи танлашади. Икки гуруҳнинг фортлари унча узоқликда бўлмаган жойда жойлашиши керак. Ўйиннинг шарти рақиб гуруҳнинг кўнилғисига сездирмай етиб бориш ва фортни кўлга киритишдир. Шу сабабдан ҳар бир гуруҳ олдида ўзнинг фортини қаттиқ ҳимоя қилиш ва шу билан бирга рақиб фортини кўлга киритиш вазифаси туради.

БМИнинг қуйидаги қисмларида юқоридаги гуруҳларга алоҳида таърифлар берилди ва кўплаб мисоллар БМИнинг илова қисмида келтирилади.

1.3. Индонез тилига бошқа тиллардан ўзлашган спорт атамалар

Атамалар лексикасининг бойиши асосан тилнинг ички имкониятлари асосида юз беради. Кейинги ўринларда шундай йўлларини келтирдикки, бунда тил луғат бойлигига тайёр тил бирликлари кириб келади, яъни ўзлаштириш усули сингари.¹¹

Ўзлаштиришнинг ўзига хослиги шундаки, бунда ўзлаштирилаётган сўз борича тўлиқ, тугал грамматик шаклланган тарзда эмас, балки лексик

¹¹ О.П. Фролова “Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка” Новосибирск. Наука 1981, 108-бет

материалнинг шаклсиз, яъни фақат бошқа ўзлашган тил системасига кўра грамматик шакл оладиган ҳолатда ўзлашади¹².

Ўзлашган сўзлар одатда нарма-буюм, моддий ва маънавий борлик ҳодисаларини англатади. Категориал жиҳатдан олиб қаралса, кўп ўзлашган сўзлар от сўз туркуми доирасига тегишли бўлади. Феъл, сифат ва равиш сўз туркумларига оид сўзлар доирасига келсак, улар орасида чет тилидан ўзлашган сўзлар нисбатан кам.

Тилларда ўзлаштиришнинг асосан икки усули кузатилади:

- 1) ўзлаштиришнинг фонетик усули;
- 2) ўзлаштиришнинг семантик усули;

Фонетик усулда чет тилидаги сўзнинг ташқи шакли, талаффуз қатлами ўзлаштирилади.

Фонетик ўзлашма – бу тилга ўтаётганда ҳам маъносини, ҳам асл манба тилдаги шаклини сақлаб қолган сўз ёки ўз ўрнида атама. Аксарият ҳолларда ўзлаштиришнинг фонетик усули от сўз туркуми доирасида юз беради.¹³

Ўзлаштиришнинг фонетик усулини икки қисмга ажратиш мумкин:

- 1) тўлиқ фонетик ўзлаштириш;
- 2) ярим фонетик ўзлаштириш;

Тўлиқ фонетик ўзлаштиришда сўз талаффуз жиҳатдан тўлалигича ўзлаштиради.

Масалан:

Golf – *гольф*;

Regbi – *регби*;

¹² Смиринский А.И. Лексикология английского языка М.1966. 235-бет.

¹³ О.П Фролова “Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка” Новосибирск. Наука 1981, 112-бет

Ярим фонетик ўзлаштиришда эса атамаларнинг биринчи қисми фонетик транскрипциясини намоён этса, бошқа қисми эса унинг маъносини ифодалайди.

Масалан:

Bola badminton – *бодминтон коптоғи, волан;*

Federasi Sepak bola Uzbekistan – *Ўзбекистон футбол федерацияси УФФ.*

Сўз ясалишида ўзлаштиришнинг фонетик усулидан фойдаланиш 50-йиллар Индонезия илмий адабиётларда кенг муҳокама қилинган ва турли қарашлар юзага келишига сабаб бўлган. Сўз ясалишининг фонетик ўзлаштириш усули қулай томони илмий терминлар яратилиши муаммосини тез ва осон ҳал қилади ва унга тўғридан-тўғри халқаро атамашунослик фонди билан алоқага кирилиши имкониятини беради. Унинг ноқулайлик томони эса айрим товушларни талаффуз қилиши индонезияликлар учун қийинчилик туғдиради, айрим ҳолларда талаффуз меъёрлари бузилишига олиб келади. Сўзлар маълумки, ёзувда ҳарфлар ёрдамида ўз аксини топади, индонез ҳарфларнинг турли ўринда турлича ўқилиши мумкинлиги, шунингдек, шевалар билан боғлиқ муаммолар яна қўшимча изланишларни талаб этади.

Ўзга тилдаги атоқли отларни ўзлаштираётган, тил ва сўзнинг манба тилдаги асл кўринишини қабул қилади ва ўз фонетик тузилмасига кўра мослашади. Атоқли отларнинг ўзлаштирилишини мажбурий ўзлаштириш, деб атаса бўлади.

Масалан,

Association Tennis Uzbekistan - *Ўзбекистон Теннис Ассоциацияси;*

Federasi Hoki Russia – *Россия Хоккей Федерацияси.*

Ўзлаштиришнинг семантик усули, калька усули деб ҳам аталади. Ушбу усул – чет тили лексикасининг индонез тилига таржима қилиниши асосида юзага келади. Лекин бу таржима ўзига хос бўлиб, натижада

ўзлаштирилаётган тилда янги сўз пайдо бўлади. “Бошқа бир тилда мавжуд бўлган сўз таъсирида янги сўз пайдо бўлиши, калька усулини ўзлаштиришнинг ўзига хос тури дуб баҳолашга имкон беради.¹⁴

Калька усули – чет тилидан сўз ўзлаштиришининг муҳим усулларида хисобланади. Бу усулда сўзлар фонетик ўзлаштиришдан фарқли равишда индонез тилининг ўз ички лексикаси доирасида, товуш ва график меъёрлар асосида ҳосил бўлади.

Калька усули – индонез тили луғат таркибини бойитиш учун оддий ва қулай усул.

(pit stop) pit berhenti – *пит стоп (автомойгада ишлатиладиган атама);*

(water polo) polo air – *сув полоси;*

Ундан ташқари индонез тилининг спорт соҳасини кўплаб инглиз тилидан ўзлашган спорт атамалари ташкил қилади. Улар асосан инглизча атамаларни шаклан ва асосан талаффуз жиҳатдан ўзлаштирганлар.

Масалан,

Инглиз тилида	Индонез тилида	Ўзбек тилида
baseball	bisbol	бейсбол
hockey	hoki	хоккей
judo	judo	джюдо
rackets	raket	Ракетка
ring	ring	Ринг
ski	ski	Чанғи
tennis	tenis	Теннис
tournament	turnamen	турнир/ мусобақа
karate	karate	Каратэ

¹⁴ Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. М., “Наука” 1973. 96-бет

motocross	Motokros	Мотопойга
stadium	Stadion	Стадион
athlete	Atlit	Атлет
final	Final	Финал
finish	Finis	Финиш
goal	Gol	Гол
record	Rekor	Рекорд
score	Skor	Ҳисоб

II БОБ. ИНДОНЕЗ ТИЛИДА СПОРТ АТАМАЛАРИНИНГ ШАКЛ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Тилшуносликда тиллар тузилиши жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади: *содда* ва *қўшма*.

Мазкур бобда спорт атамаларининг шакл хусусиятларини ўрганиш жараёнида ушбу бирликлар қуйидаги режа асосида тадқиқ этилди:

1) Сўз шаклидаги спорт атамалар:

1. Содда сўз шаклидаги атамалар;
2. Қўшма сўз шаклидаги атамалар;

2) Бирикма шаклидаги атамалар:

1. Феълли бирикма шаклидаги атамалар;
2. Отли бирикма шаклидаги атамалар.

Қуйидаги шаклдаги спорт атамаларини алоҳида кўриб чиқамиз.

2.1. Содда сўз шаклидаги атамалар

Содда сўзлар бир ўзакдан иборат бўлган сўзлардир. Содда сўзлар икки хил бўлади: туб сўз ва ясама сўз.

1) таркибида сўз ясовчи қўшимча бўлмаган содда сўзлар туб содда сўзлар дейилади: *китоблар*, *қўпроқ*, *пишмоқ*, *яхшироқ*.

2) сўз ясовчи қўшимча қўшилиши билан ясалган содда сўзлар ясама содда сўз дейилади: *узумзор*, *ишчи*, *оқда*. Ясама сўз ўзак ва ясовчидан иборат бўлади: *бил+им*, *иш+чи*.¹⁵

Музкур ишимизда ҳам спортга оид содда сўзли атамаларни кўриб чиқдик ва бу атамаларни юқоридаги турларга бўлиб ўргандик.

Туб содда атамалар асосан индонез тилидан ташқари чет тилларидан ўзлашган атамалар кўпчиликини ташкил этади. Кўпгина туб содда атамалар чет тилидан талаффуз жиҳатидан ўзлашгандир.

¹⁵ М.А.Хамроев. Ўзбек тилидан маърузалар мажмуаси. Тошкент. 2007. Б-42.

Масалан,

Atlet – *атлет*;

Chip – *шашка доначалари*;

Bendera – *байроқ*;

Bola – *копток*;

Hakim – *ҳакам*;

Checkers – *шашка*;

Racket – *ракетка*;

Туб содда атамаларнинг соф индонез тилидан келиб чиққанлари ҳам жуда кўп. Кўпгина Индонезияга хос бўлмаган спорт турларига оид атамалар ҳам индонез тилига таржима қилинган, бошқа тилларни кузатар эканмиз, халқаро спорт атамаларини ўз ҳолича таржимасиз олинганлигини кўрамиз, лекин индонез тилига хос бўлмаган ўзлашма сўзлар индонез тилга таржима қилинган.

Масалан,

Senam – *гимнастика*;

Pialah – *кубок*;

Tangkat – *клюшка*;

Juara – *чемпион*;

Сўз ясовчи қўшимча қўшилиши билан ясалган содда атамалар ясама содда атамалардир. Бундай атамалар кўпинча *peN-*; *-ber*; *-an*; *meN-*; олд ва орт қўшимчалар асосида ясалган. *peN-*; *-ber*; *-an*; қўшимчалар от сўз туркумига оид спорт атамалар ясалса, *meN-*; қўшимчалар асосан феъли спорт атамалар ясалади.

Масалан,

Pembalap – *пойгачи*;

Pengadilan – *корт*;

Bersuil – *ҳуштак*;

Berselancar – *сёрфинг*;

Berjuang – *кураш*;

Panahan – камонбоз;

Menyelam – *шўнгимоқ*;

Menembak – *ўқ узмоқ*;

2.2. Қўшма сўз шаклидаги атамалар

Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзаклардан ташкил топиб, битта сўроққа жавоб бўладиган сўзлардир:

1) туб қўшма сўзлар: *кела бошлади, айтиб берди, кўтариб қўйди, кўриб қолди*;

2) ясама қўшма сўзлар: *томорқа, асалари, камгап ва сотиб олмоқ*.¹⁶

Индонез тилидаги спорт атамаларида ҳам жуда кўп қўшма атамаларни учратиш мумкин. Мазкур ишимизда бир неча қўшма спорт атамаларини таҳлил қилиб ўтамиз.

Масалан,

Bulu tangkis – *бадминтон*;

Bola sodok – *биллиард*;

Sepak bola – *футбол*;

Celana pendek – *шорттик*;

Юқоридаги сўзларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, **bulu tangkis** (*бадминтон*) атамасидаги “**bulu**” сўзи “пат” деган маънони англатади, “**tangkis**” сўзи эса “акс эттириш, акси” деган маъноларни англатади. Икки сўз ҳам алоҳида-алоҳида келганда ўз маъносига эга, лекин қўшма сўз шаклида келганда бу сўзлар бадминтон маъносини англатади. Маълумки, бадминтон тўпи, яъни воланнинг дум қисми товук патига ўхшаганлиги

¹⁶ М.А.Хамроев. Ўзбек тилидан маърузалар мажмуаси. Тошкент. 2007. Б-42.

учун ва волан товуқ патини акс эттиргани учун ушбу сўзга ўхшатиш маъносида айтилган бўлиши мумкин.

Навбатдаги атама **bola sodok** (*биллиард*) атамаси бўлиб, ундаги “**bola**” сўзи “копток”, “тўп” маъноларни англатса, “**sodok**” сўзи эса “уриш”, “зарба” маъноларини индонез тилида англатади. Икки сўзнинг қўшилиши ва қўшма сўз шаклида “биллиард” спорт атамасини ясамоқда. Бу сўзлар ҳам маъно жиҳатидан биллиард спорт турига яқин, чунки бу спорт турида коптокларни уриб, зарба бериш натижасида махсус чуқурчага тушириш асосий вазифадир. Шу сабабдан ушбу сўзлар ҳам айнан биллиард атамасига маъно жиҳатдан яқиндир.

Кейинги атамамиз **sepak bola** (*футбол*) атамаси бўлиб, у ҳам ўз навбатида “**sepak**” ва “**bola**” сўзларидан ташкил топган. “**Sepak**” сўзининг таржимаси “оёқ зарби”, “тепиш” ва “тепки” маъноларини билдиради. “**Bola**” сўзи эса “копток”, “тўп” маъноларида келади. Демак **sepak bola** атамаси “коптокни оёқ билан тепиш” деган маънода келар экан. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу сўзларни ҳам маъно жиҳатдан ушбу спорт атамага бирлаштирилган.

Охирги атама **celana pendek** (*шорттик*) атамаси бўлиб, унда асосан икки содда сўзлар “**celana**” ва “**pendek**” сўзларидан ташкил топган. “**Celana**” сўзи “шим” маъносини англатса, “**pendek**” сўзи “калта” деган маъносини англатади. Бу атамamız ҳам юқоридаги атамаларга ўхшаб маъно жиҳатидан бирлаштирилган.

2.3. Бирикма шаклидаги атамалар

Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тобе муносабат асосида боғланиши *сўз бирикмаси* дейилади. Сўз бирикмаси гапдан қуйидагича фарқланади.

1. Сўз бирикмаси кенгайган маъно ифадалайди. Гап эса фикр билдиради. Шу боис, сўз бирикмаси тугалланмаган оҳанг билан, гап тугалланган оҳанг билан айтилади.

2. Сўз бирикмаси эргаш сўз ва бош сўздан иборат бўлади. Гапда эса бош ва иккинчи даражали бўлақлар иштирок этади. Эга ва кесимнинг бир – бирига боғланиши сўз бирикмаси ҳисобланмайди.

Сўз бирикмасида бош сўз ва эргаш сўз қуйидагича фарқланади:

а) бош сўзнинг маъносини изоҳлаб, равшанлаштириб келган сўз эргаш сўз, маъноси изоҳланаётган сўз эса бош сўз ҳисобланади;

б) олдин келган сўз эргаш сўз, кейин келган сўз бош сўз бўлади;

в) бош сўздан эргаш сўзга савол берилади: *кўркам хиёбон* – қандай *хиёбон*?

г) келишиқ қўшимчалари эргаш сўз таркибида, эгалиқ қўшимчаси бош сўз таркибида бўлади: *менинг мақсадим*¹⁷.

Қўшма сўз ва сўз бирикмаси ўзаро қуйидагича фарқланади: қўшма сўз бир сўроққа жавоб бўлади, сўз бирикмаси таркибидаги ҳар бир сўз алоҳида – алоҳида сўроқларга жавоб бўлади, сўз бирикмасидаги ҳар бир сўз ўз урғусига эга бўлади, қўшма сўз эса яхлит битта урғуга эга бўлади: *сотиб олмоқ* (нима қилмоқ?) – қўшма сўз; *жўшиб қўйламоқ* (қандай қўйламоқ? *жўшиб* нима қилмоқ?). Сўз бирикмалари қўшма сўзларнинг биринчи босқичидир: *кўзнинг ойнаги* – *кўзойнак*, *сарв қоматли* – *сарвқомат*, *дунёга қараш* – *дунёқараш* ва ҳ.к.¹⁸.

Бош сўз қайси сўз туркумига мансублигига қараб, сўз бирикмаси икки хил бўлади:

1. Отли бирикма.

2. Феълли бирикма.

¹⁷ Холматова З.Т. Тилшунослиққа кириш фанидан маърузалар тўплами. Тошкент. 2005.

¹⁸ М.А.Хамроев. Ўзбек тилидан маърузалар мажмуаси. Тошкент. 2007. Б-103.

Сўз бирикма шаклидаги атамаларни кўриб чиқар эканмиз унда сўзларнинг баъзилари ўзлашма сўзлар билан ҳам ясалганлигини кўрамиз. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, индонез тилида сўз бирикмаси шаклида келган атамалар ўзбек тилига таржима қилинганда баъзилари содда сўз, баъзилари қўшма сўз шаклида келиши мумкин. Тадқиқотимиз натижасида шунини айтиш мумкинки, спорт атамаларининг 60%ни бирикма шаклидаги атамалар ташкил қилмоқда. Шундай бирикма шаклидаги спорт атамалардан мисол тариқасида келтириб ўтамиз.

Масалан,

Mobil balap – *пойга автомабили;*

Lari jauh – *марафон (узоқ масофага югириши);*

Pakaian olahraga – *спорт кийими;*

Perahu karet – *эшакли қайиқ;*

Jaringan voli – *волейбол тўри;*

Balap sepeda – *велайпойга;*

Balap motor – *мотоцикл пойгаси;*

Angkat besi – *оғир атлетика;*

Perahu balap – *пойга қайиғи;*

Бош сўз от, сифат, сон, олмош, харакат номи билан ифодаланган бирикмаларга *отли бирикмалар* дейилади¹⁹.

Индонез тилидаги спорт атамалардан **bola badminton** (бадминтон коптоғи), **lomba renang** (сузиш хавзаси), **olahraga senam** (гимнастика), **polo air** (сув полоси) каби бирикмали атамалар отли бирикма атамалардир.

Бош сўз феъл ва унинг равишдош, сифатдош шакллари билан ифодаланса, *феълли бирикма* ҳисобланади²⁰.

¹⁹ Холматова З.Т. Тилшуносликка кириш фанидан маърузалар тўплами. Тошкент. 2005

²⁰ Холматова З.Т. Тилшуносликка кириш фанидан маърузалар тўплами. Тошкент. 2005

Индонез тилидаги спорт атамалардан **mendaki gunung** (тоққа чиқимок), **lempar cakram** (диск улоқтирмоқ) каби бирикмали атамалар феълли бирикма атамалардир.

ХУЛОСА

Мазкур малакакий иш ҳозирги замон индонез тилидаги иқтисодий терминларнинг лексик-семантик ва структур хусусиятларини, иқтисодиёт соҳасида кенг қўлланилиб келаётган лексик қатламни ўрганишга, уларнинг ҳар томонлама таҳлил қилишга бағишланган.

Илм-фан, техника ва тил тараққий этганлиги сабали спорт атамалар сони ҳам кундан кунга ошиб бормоқда ва бу таржима жараёнида кўпгина қийинчиликларни туғдирмоқда. Терминларсиз, яъни аниқ бир маънони билдирувчи сўз ёки сўз бирикмасиз, барча спорт соҳасига доир мақола ва хужжатлар, у спортнинг қайси турига тегишли бўлишидан қатъий назар аниқ таржимага эга бўлмайди.

Биз ушбу битирув малакавий ишимизда “атама” сўзига ҳар томонлама ёндашдик. Чунки спорт соҳаси ҳам мураккаб бўлиб, у кўпгина соҳаларни ўз ичига олади. Шунинг учун биз аввал “термин” ва “спорт атамалари” маъноларининг узвий боғлиқлини ва уларнинг оммабоп лексикадаги атамалардан фарқли томонларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Биз, шунингдек, спорт терминларнинг ясалиши усуллари ва уларнинг таҳлилини кўриб чиқдик.

Ушбу малакавий иш натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Спорт лексикаси деганда спорт соҳасига доир барча спорт терминлар, сўз бирикмалари ва ўзгармас иборалар кўзда тутилади.

2. Спорт терминлар – бошқа атамалар сингари, аниқ бир маънога эга бўлиб, у махсус атамашуносликнинг бир тизимида оид ҳисобланади.

3. Ҳозирги замон индонез тили терминларнинг ҳосил бўлишида композиция усули маҳсулдор ҳисобланади. Ушбу ишимизда ҳам спорт атамаларнинг ясалиши усуллари орасида композиция усули бош ўринни эгаллайди.

4. Ҳозирги замон индонез тили спорт терминларда аффиксал сўз ясалишининг суффиксация усули фаол иштирок этади.

5. Ўзлаштириш усулига келсак, ушбу ишимизда индонез тилида мавжуд бўлган ўзлаштириш усулининг фонетик ва семантик тури орасида, фонетик ўзлаштириш ёрдамида кўпгина спорт терминлар ҳосил бўлган. Лекин бу усул билан ҳосил бўлган атамалар сони бошқа ясалиш усуллари ёрдамида пайдо бўлган терминлар сонидек кам миқдорда бўлади.

6. Индонез тили спорт терминларини ҳосил қилишда редупликация ва конверсия усуллари қўлланилмаган.

7. Индонезча спорт атамалар тўпланиб тадқиқ этилганда, спорт атамалар билан уларнинг нутқдаги шаклларининг даставвал спортга оид соҳаларда юзага келганлиги, кейинчалик эса бошқа соҳаларга (телевидиния, радио, газета ва журналлар) ўтиб кенгайганлигини кўриб чиқилди.

8. Лексик бирлик шаклидаги спорт атамаларнинг умумий захирадан адабий тилга сизиб ўтганлиги ҳам кузатилади.

9. Спорт атамаларнинг юзага келиш тармоқлари сираланди. Булар бир неча тармоқдан иборат бўлиб, уларнинг маъно жиҳатлари ва қўлланиш майдонларига кўра олти гуруҳга бирлаштирилди. Таъкидланган олти гуруҳ қуйидагилар бўлиб (1. Ёзги спорт турлари. 2. Қишги спорт турлари. 3. Енгил атлетика. 4. Оғир атлетика. 5. Копток иштирокидаги спорт турлари. 6. Миллий спорт турлари), ҳар бир гуруҳни кичик гуруҳларга бўлиб мисоллар билан очиб берилди.

10. Миллий спорт турлари гуруҳига Индонезияга хос бўлган ва фақат Индонезия ҳудудида ўтказиладиган спорт турлари ва ўйинлари берилди ва Индонезия ҳам ҳалқаро спорт турларига эгалиги аниқланди.

11. Тўлиқ фонетик ўзлаштиришда атамалар талаффуз жиҳатдан тўлалигича ўзлаштирилиши аниқланди. Масалан: **golf** – *гольф*; **regbi** – *регби*.

12. Ярим фонетик ўзлаштиришдаги атамаларнинг биринчи қисми фонетик транскрипциясини намоён этса, бошқа қисми эса унинг маъносини ифодалаши аниқланди. Масалан: **bola badminton** – *бодминтон коптоғи, волан*; **Federasi Sepak bola Uzbekistan** – *Ўзбекистон футбол федерацияси УФФ*.

13. Ўзлаштиришнинг семантик усули, калька усули деб ҳам аталиши аниқланди ва калька усули – индонез тили луғат таркибини бойитиш учун оддий ва қулай усуллиги мисоллар орқали кўрсатиб ўтилди.

14. Индонез тилининг спорт соҳасини кўплаб инглиз тилидан ўзлашган спорт атамалари ташкил қилиши аниқланди.

15. Спорт атамаларининг шакл хусусиятларини ўрганиш жараёнида сўз шаклидаги спорт атамалар (содда ва кўшма сўз шаклидаги атамалар) ва бирикма шаклидаги атамалар (фёлли ва отли бирикма шаклидаги атамалар) асосида кўриб чиқилди.

16. Туб содда атамалар асосан индонез тилидан ташқари чет тилларидан ўзлашган атамалар кўпчиликни ташкил этиши ва кўпгина туб содда атамалар чет тилидан талаффуз жиҳатидан ўзлашганлиги аниқланди.

17. Туб содда атамалардан индонез тилига хос бўлмаган ўзлашма сўзларнинг индонез тилга таржима қилинганлигини аниқланди. Масалан, **senam** – *гимнастика*; **pialah** – *кубок*; **tangkat** – *клюшка*; **juara** – *чемпион*.

18. Сўз ясовчи кўшимча кўшилиши билан ясалган содда атамалар кўпинча *peN-*; *-ber*; *-an*; *meN-*; олд ва орт кўшимчалар асосида ясалган. *peN-*; *-ber*; *-an*; кўшимчалар от сўз туркумига оид спорт атамалар ясалса, *meN-*; кўшимчалар асосан фёлли спорт атамалар ясаши аниқланди.

19. Индонез тилидаги спорт атамаларида ҳам жуда кўп кўшма атамаларни учратиш ва аксарият кўшма атамалар маъно жиҳатидан бирлаштирилганлиги аниқланди.

20. Сўз бирикма шаклидаги атамаларни кўриб чиқиб, унда сўзларнинг баъзилари ўзлашма сўзлар билан ҳам ясалганлигини кўрдик. Индонез

тилида сўз бирикмаси шаклида келган атамалар ўзбек тилига таржима қилинганда баъзилари содда сўз, баъзилари қўшма сўз шаклида келиши мумкинлигини кўринди ва тадқиқотимиз натижасида шуни айтиш мумкинки, спорт атамаларининг 60%ни бирикма шаклидаги атамалар ташкил қилмоқда экан.

Мазкур битирув мамалакавий ишимиз нафақат индонез тили лексикологияси, балки спорт соҳасида олиб бориладиган изланишларда, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этувчи таржимонларга, хусусан спортчиларнинг ўзига, спорт соҳаси билан қизиқувчи индонезшунослар ишларида ёрдам беришига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбек тилидаги адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент.1997.
2. Азизов О. Тилшуносликка кириш. Т., Ўқитувчи. 1989
3. Ақобиров С.Ф, Тил ва терминология, Т., Ўзбекистон. 1968й.
4. Маматов Қ.Н. Термин ва унинг таърифи ҳақида “Ўзбек тили ва адабиёти”, № 1. 1966.
5. Маъруфов З.М. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981.
6. Якубов Ж.М “Хитой тилида спорт атамаларининг лексик-семантик таҳлили”
7. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатларнинг турлари. Т. Ўқитувчи. 1996.

Рус тилидаги адабиётлар

1. Ахманова О.С Очерки по общей и русской лексикологии. М., 1973.
2. Даниленко В.П. О терминологическом словообразовании. ВЯ., 1973
3. Иванов В.В Терминология и заимствования в современном китайском языке. М., Наука.1973.
4. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология. В книге “Вопросы терминологии”, М., 1961
5. Смиринцкий А.И. Лексикология английского языка М.1966.
6. Суперанская А.В. Общая терминология. М., Наука, 1989
7. О.П Фролова “Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка” Новосибирск. Наука 1981.
8. Яцюк Т.А. Терминология в лингводидактическом аспекте. Т., 1990

**Индонез ва инглиз тилларидаги
газета ва журналлар**

1. Global perceptions of muslim world. “OICTODAY” KDN # PP 13739/04/2012. halaman 22.
2. “Perdasama” BIL 25/ tahun 91 keluaran khas/2009 KDN # PP 13463/11/2009. halaman 26.
3. “Sukan” Jumat 23 September 2011. halaman 64.
4. “The Leaders” magazine KDN PQ/PP 1505. halaman 58-59.
5. “The Brand” laureate business world review. Aug-sep 2011. halaman 120-124.

Луғатлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1966
2. Маъруфов З.М. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981
3. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т: Фан. 2002.
4. Сутанто Атмосумарто. “A Learner’s comprehensive dictionary of Indonesian” Лондон. 2004.


Интернет саҳифалари.

1. www.google.com
2. www.sinarharian.co.my/sukan
3. www.uzbekembassy.com.ind
4. www.dbp.gov.ind/majalah
5. www.dawama.com

1. Ёзги спорт турлари




2. Қишги спорт турлари




3. Енгил атлетика




4. Оғир атлетика





5. Копток иштирокидаги спорт турлари













6.Миллий спорт турлари




7. Сув билан боғлиқ спорт турлари






8. Пойга спорт тури



9. Ақлий спорт турлари



A	Buku tangkis –	
Akrobatik –		
Alat pemukul -		2 – илова
Anggar –		
Angkat besi –	акрабатика	
Atlet –	ракетка	
	чегара	
	оғир атлетика	
	атлет	
B		
Badminton –	бадминтон	
Baju tempur -	жанг кийими	
Band –	гимнастика тасмаси	
Balap mobil –	автомабили пойгаси	
Balap motor –	мотоцикл пойгаси	
Balap sepeda –	велапойга	
Beladiri –	кураш	
Bendera –	байроқ	
Berjuang (di Uzbekistan)–	кураш (ўзбек)	
Berselancar –	сёрфинг	
Bersuil –	хуштак	
Bisbol –	бейсбол	
Bola –	копток, тўп	
Bola badminton –	волан (бадминтон коптоги)	
Bola basket –		
Bola sodok –		
Bola voli –		

баскетбол
 биллиард
 волейбол
 бадминтон

Judo –

C

Cabang olahraga air –

сув спорти

Catur –

шахмат

Celana pendek –

шорт

Checkers –

шашка

Chip –

шашка доначалари
 (фишкалар)

G

Gerbang –

Gerak badan –

хоккей клюшкеси

Golf –

жисмоний машқлар

Gulat –

гольф

кураш

H

Hakim –

Helm –

ҳакам

Hoki –

бош шлеми

хоккей

J

Jaringan voli –

Juara –

волейбол сеткаси

чемпион

жудо

K

Karapan sapi –

Klub –

Klub hoki –

Kok –

L

Lari cepat –

Lari jauh –

Lari rintangan –

Lawan –

Lempar cakram –

Lempar lembing –

Lomba dayung –

Lomba renang –

Loncat tinggi –

Lutat –

M

Medan tempur –

Melacak –

Melompat di air –

Melompat trampolin –

Mendaki gunung –

Menembak –

Menyelam –

Mobil balap –

Mobil formula 1 –

карапан сапи (Индонезия
миллий спорт тури, сигирлар
пойгаси)

булава (гимнастика жиҳози)

шайба

волан (бадминтон коптўги)

яқин масофага югуриш

марафон

тўсиқ ошиб югуриш

рақиб

диск улоқтириш

найза улоқтириш

эшкак эшиш

сузиш ҳавзаси

баландга сакраш

оёқ боғичи (наколенники)

жанг майдони

трасса

фигурали сузиш

трамплингдан чанғида
 сакраш
 тоққа тирмашиб чиқиш
 мерганлик
 шонғиш
 пойга автомабили
 болид (формула 1 пойга
 автомабили)

Pit berhenti –

Polo air –

R

Raket –

Ring –

O

Olahraga musim dingin –

қишги спорт

Olahraga senam –

гимнастика

Orkestra –

спорт мусобақалари оркестри

P

Pacuan kuda –

от пойгаси

Pakaian olahraga –

спорт кийими

Panahan –

камонбоз, ёй отувчи

Papan –

шашка доскаси

Pembalap –

пойгачи

Pencak silat –

пенчак силат (Индо.миллий
 спорти, кураш)

Pengadilan –

теннис корти

Perahu balap –

пойга қайиғи

Perahu karet –

эшкакли қайиқ

Perenang –

сузувчи

Pertandingan tinju -

бокс жанги

Pialah –

кубок

ПИТ СТОП
СУВ ПОЛОСИ

Turnamen -
Tutup –

ракетка
ринг

S

Sarung tangan –	бокс қўлқоплари
Senam –	гимнастик
Senam kebugaran –	аеробик
Sepak bola –	футбол
Sepatu kets –	спорт кеталари
Simpai –	гимнастик халқа (обруч)
Ski –	чанғи
Ski air –	сув чанғиси

T

Tali –	арғамчи
Tangkat –	голф клюшкиси
Tenis –	теннис
Tim -	гуруҳ
Tinju –	қўлқоплар
Tinju –	бокс
Tunggal –	якка курашчи

турнир

капа